

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №

2022 й. «29» 6

2022-448-1-17-ОВ-  
сон

Асака ш.

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Асака тумани хокимлиги Ободонлантириши бошкармаси номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари В.Парниев бир томондан хамда кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган RAVON OMAD YOLLARI МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбар С.Бойматова иккинчи томондан объектни жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Файз мфй Маориф кучасини асфалтланышларини бажариш мажбуриятини олади.

### 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда жорий нархларда 551 510 977,45 (беш юз эллик бир миллион беш юз минг туккиз юз етмиш етти суму) 45 тийин тушашни ташкил этади.

2.2. Ишлар киймати узил-кесилхисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда.

### 3. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартнома хамда унинг иловасига мувофик ишларни бажарини жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишини Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажарини мажбуриятини уз зиммасига олади.

3.2. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишига тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

### 4. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома иловасина мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;
- ишларни бажарилиши устидан доимий архитектура – курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи тамонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

## **5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

5.1. Шартнома буйича белгиланган ишлар миллий валюта «сум» да хисоб-китоб килинади, тамонлар уни имзолаган хамда конун хужжатларига мувофик руйхатдан утказилгандан кегин кучга киради.

5.2. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадигон молиялаштириш жадвалига мувофик шартнома кийматининг 30 фоиз аванс тулови хисоб ракамга келиб тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3. Танлов савдолари натижаси буйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошлиланган кундан этиборан 20 (йигирма) кунни ташкил этади.

## **6. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР**

6.1. Туловлар пул утказиш йули билан амалга оширилади. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий кийматини 30 фоизи микдорида олдиндан туловни бюджет маблаглари хисобидан утказиб беради.

6.2. Буюртмачи тамонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асосида хисобланади.

Шартнома кийматининг колган 70 фоиз тулови ишлар хизматлар бажарилгандан сунг амалга оширилади.

## **7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

7.1. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини, техник аудиторни тайинлайди, Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек Пудратчи тамонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадур.

7.3. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.4. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

7.5. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

7.6. Пудратчи узи тамонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб уекуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида куреатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик булишини хамда уларнинг сифатини тасдиковчи тегишили сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлади.

7.7. Пудратчи Буюртмачининг маңфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, У агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

7.8. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари тамонидан ишларнинг кийматининг купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

7.9. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тутайди.

## **8. ЕНГИБ БҮЛМАЙДИГАНКУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.**

8.1. Агарда ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиати ходисалари ва бошка сиғиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир эътса, тамонлар буидай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## **9. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

9.1. Тамонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган заарларни коплади.

9.2. Мазкур шартномага асосан бажарилган ишлар хакини уз вактида туламаганлик учун Буюртмачи Пудратчига утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган саммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

9.3. Шартномага мувофик тулов талабомаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка ва шаклларида бажарилган ишлар хакини тулашдан бош торганлик учун Буюртмачи Пудратчига узи тулашни рад этган ёки бош торган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тулайди.

9.4. Пудратчи курилини ишларини шартномада белгиланган муддатда бажармаса уз мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50 фоизидан онимаслиги лозим.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришининг ёки хизматлар курсагининг кечикиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

9.5. Агарда бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш мөъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, Буюртмачи объектни кабул кили шва унинг учун хак тулашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

## **10. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

10.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни копланда пайдо буладиган низоли масалалрни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисадий суди томонидан куриб чикилади.

## **11. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

11.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишили булган томонлар ургасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келиниувлари уз кучини йукотади.

11.2. Мазкур шартномага барча узгартериш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклида расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.

11.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалар кулланилади.

11.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилиб, хар иккита тараф томонидан имзоланиб, худудий Газначилик булинмасидан руйхатдан утгандаи сунг кучга киради ва **2022 йил 31 декабргача амал килади.**

## **12. ТОМОНЛАРИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ**

### **«БУЙОРТМАЧИ»**

**Асака туман хокимлиги**

Ободонлаштири бошкармаси

Манзил: Сохил буйи № 8 а уй

ИНН: 205 578 197 МФО: 00893

х/в 401722860032247045204110005

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги


Газначилиги Марказий банк Тошкент шахар

Бош бокармаси ХКМ

х/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122916 МФО: 00014

рахбар:

 В.Парпиев



### **«ПУДРАТЧИ»**

**RAVON OMAD YOLLARI МЧЖ**

Асака т Янгисор 239


х/р: 20208000900718308001

Ипатека банк Истиклол

ИН-

ИНН: 304539829 МФО: 00068

Рахбар:

 С.Бойматова



# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ MZ24500026

1. Loyihaning turi

Shartnomas


2. Loyihaning nomi

Asaka tuman xokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi bilan "ROVON OMAD YOLLARI" MChJ o'rtasida tuzilgan 551 510 977 ,45 (беш тоңзароқ 45 эллик бир миллион беш юз ўн минг тўккиз юз етмиш етти сўму ) 45 tiyinlik pudrat shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidadagi ma'lumot  
Asaka tumani Obodonlashtirish boshqarmasi 27.06.2022 yil

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
Bosh yuriskonsulti



D.A.Urmanova

2022 yil 27 iyun